

31 май 2022 йыл

Дангарга тумани

Дангарга туман ободонлаштириши бошкармаси(кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади) номидан, амалдаги Низомига асосан фаолият юритувчи корхона директори М.Холмирзаев бир тарафдан ва Дангарга туман йўллардан фойдаланиши унитар корхонаси (кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритилади) номидан, амалдаги Низомига асосан фаолият юритувчи директори З.Назиров иккинчи тарафдан, ташаббусли бюджет доирасида ажратилган маблаглар хисобидан ички йулларни жорий таъмирлаш ишлари бўйича мазкур Шартномани куйидагилар тўгрисида туздилар:

1.ТАРИФЛАР

1.1. Мазкур шартномада куйидаги тарифлар қўлланилади:

ижро хужжатлари – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўгрисидаги ёзувлар билан биргаликда обьект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда кўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганини тўгрисидаги далолатномалар, айrim масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда кабул қилинниши тўгрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўгрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари хамда курилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа хужжатлар;

курилиш майдони – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг курилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофик белгиланадиган бошқа белгилаб қўйилади;

вактингчалик иншоотлар – Пудратчи томонидан курилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган хар кандай типдаги вактингчалик бинолар ва иншоотлар;

беркитиладиган ишлар – сифати ва аниклигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

шартнома нархини бўлиб чиқиш – ишларнинг хар бир боскичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгиланган холда шартнома бўйича обьектнинг умумий қийматини боскичларга тақсимлаш (ишлар бажариш ва молиялаштириш жадваллари).

2. ШАРТНОМА МАВЗУСИ.

2.1. Ташаббусли бюджет доирасида ажратилган маблаглар хисобидан жорий таъмирлаш ишлари "Буюртмачи" топширигига асосан Дангарга туман Яшик МФЙ Бирдамлик кўчасини ички йўларини жорий таъмирлаш ишларини лойиха-смета хужжатларида кўзда тутилган холда бажариш мажбуриятини олади, "Буюртмачи" эса "Пудратчи"га ишларни кабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

3. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ.

3.1. Мазкур шартнома бўйича "Пудратчи" томонидан бажариладиган ишлар барча соликлар, йигимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган холда жорий нархларда **570 000 000** (беш юз етмиш миллион) сўмни ташкил этгани холда жорий таъмир ишларини бажарилшини амалга оширади.

3.2. Тегишли асослар мавжуд бўлганда Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

4.ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

4.1. Мазкур шартнома бўйича «Пудратчи» шартноманинг 2-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномага мувофик ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган хажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш хамда ишни Буюртмачига мазкур шартномага шартларига мувофик топшириш;

- зарур холларда айrim иш турларининг бажарилшида лойиха-смета хужжатларида белгиланган машина-механизмлар ўрнига, ўриндош машина-механизмдан фойдаланилиши, белгиланган сифат лабораторияси хulosаси асосида амалга оширилиши мумкин;

- мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ хажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади;

- шартнома шартларига асосан обьектни буюртмачига тасдиқланган лойихага мувофик топширади;

- Пудратчи Буюртмачи олдида ёрдамчи пудратчи ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлигининг оқибатлари учун жавобгар бўлади.

4.2. "Пудратчи" мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилши хамда обьектнинг фойдаланишга тайёр холда топширилиши учун "Буюртмачи" олдида тулиқ мулкий жавоб беради.

4.3. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу хақда хабардор килинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у холда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг

кўрсатмасига мувофик беркитиладиган ишларнинг исталган юқсамини ўз хисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

4.4 Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг сублудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганинг аниқласа, у холда Пудратчи ўз кучлари билан ва курилиш кийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда ўз хисобидан кайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома З З-бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган холлар бундан мустасно.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг кайдларидан коникмаса, у холда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баен қиласди.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

5. БЮОРГМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

5.1 Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

- "Пудратчи"ни ўз вактида лойиха-смета хужжатлари билан таъминлайди;

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб ишларни бажариш учун объектни ишлар тугаллагунгача бўлган даврда далолатнома бўйича "Пудратчи"га беради;

- ишлар бажарилши устидан доимий архитектура-курилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган "Пудратчи" томонидан қабул килинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этишишини назорат килиш, "Пудратчи"дан тугалланган ишларни қабул килиб олишини таъминлашини амалга оширади;

- ушбу шартномада назарда туттилган муддатда ва миндорда "Пудратчи"га ҳак тўлади;

- "Пудратчи"нинг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чикади

6. ТЎЛОВ ШАРГЛАРИ ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР

6.1. "Буюртмачи" ушбу шартномага асосан "Пудратчи"нинг хисоб ракамига шартномада кўрсатилган кийматнинг 30%гача миндорида 2-иловага асосан аванс маблагини ўтказади

6.2. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилганидан кейин берилган авансни хисобга олган холда, ишларни бажарини ва молиялаштириш жадвалларига мувофик объектнинг умумий шартномавий жорий кийматининг 65% миндорида амалга оширилади 5 фоизлик объект кафолат муддати тугалдандан сўнг молиялаштирилади.

6.3 "Пудратчи"нинг бошка харажатлари лойиха-смета хужжатларида кўрсатилган бошқа харажатлар кийматидан ошмаган холда тўловга қабул қилинади

6.4 Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга кадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк хукуқини ўзида саклаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга кадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хаффи Пудратчининг зиммасида бўлади

7. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ.

7.1. Пудратчи мазкур шартнома кучга кирган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

7.2. "Буюртмачи" курилиш майдонида ўз вакилини - техник аудиторини тайинлади. У "Буюртмачи"нинг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади.

8. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ.

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошка енгиги бўлмайдиган куч холатлари натижасида келиб чиқса, томонлар бундай мажбуриятларни кисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

8.2. Пудратчининг мазкур шартномани бажариш учун бошка шартлашви шериклари томонидан мажбуриятларининг бузилиши, мажбуриятни бажариш учун зарур товарларнинг бозорда йўклиги, Пудратчидан зарур пул маблагларининг бўлмаганилиги форс-мафор холатларига кирмайди.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиги бўлмайдиган куч холатлари амал қилган, шунингдек ушбу холатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилтади.

8.3. Агар енгиги бўлмайдиган куч холатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом этирини ёки уларни консервация килиш учун кандай чоралар кўрилишини мухокама қиладилар.

8.4. Агар томонлар иккى ой ичидаги келиша олмасалар, у холда томонларнинг хар бири шартнома бекор қилинишини талаб килингана хоҳлидир.

9. КАФОЛАТЛАР.

9.1 "Пудратчи":

- барча ишларни тўлиқ ҳажмда сифатли ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини кафолатлади.

9.2 "Пудратчи":

- барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

- лойиха хужжатларига ҳамда курилиш меъёрлари, коидалари ва техник шартларига мувофик барча ишларни сифатли бажарилишини таъминлаши лозим;

- ўзи томонидан курилиш учун кўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

- ишларни қабул килиш ва объектдан фойдаланишининг кафолатли даврида аникланган камчилик ва нуксонларни ўз вақтида бартараф қилиши;

- объектдан фойдаланилганда мухандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлади, объект ва унга кирадиган мухандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар курилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида бир йил этиб белгиланади.

9.3. Агар объектдан фойдаланишининг кафолатли даврида аникланаб, улар бартараф этилгунга кадар фойдаланиши давом этгириш имконини бермайдиган нуксонлар аникланса, у холда кафолат муддати нуксонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуксонлар "Пудратчи" томонидан унинг ўз хисобидан бартараф этилади.

9.4. Агар "Пудратчи" бажарилган ишлардаги нуксон ва чала ишларни далолатномада кўрсатилган муддат ичida бартараф этмаса, у холда "Буюртмачи" томонидан 5%ли кафолат суммасини "Пудратчи"дан ушлаб қолиш хукуқига эга.

9.5. "Пудратчи" нуксонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Йўл курилиш ишлари сифатини назорат қилиш Давлат инспекцияси» томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича иктисадий судига мурожаат қилишдан истисно этмайди.

10. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

10.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбордor Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси конунида, бошқа қонун хужжатларида хамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибида бошқача жавобгарликка тортилади.

10.2. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрстайлган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, объект хисоб рақамига маблағлар берилгандан сўнг ўз вақтида молиялаштирулмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун "Буюртмачи" "Пудратчи"га кечикирилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4% микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50% ошмаслиги лозим. Пеня тўланиши "Буюртмачи"ни шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган заарни қоплашдан озод қилмайди.

10.3. "Пудратчи" объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун "Буюртмачи"га муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5% микдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50%дан ошмаслиги лозим. Пеня тўлаш "Пудратчи"ни ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган заарларни қоплашдан озод қилмайди.

10.4. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, курилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш хужжатларига мувофик бўлмаса, у холда "Буюртмачи" «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Йўл курилиш ишлари сифатини назорат қилиш Давлат инспекцияси»нинг хulosasi асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун хақ тўлашдан бош тортishi, шунингдек "Пудратчи"дан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 100% гача микдорида жарима ундириш хукуқига эга.

11. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ.

11.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган заарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар хал этолмаса улар қонун хужжатларида, белгиланган тартибида Иктисадий Суд томонидан кўриб чиқилади.

12. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

12.1. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин курилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечикирилганда; ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари курилиш меъёрлари ва қоидаларинда назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун хужжатларига мувофик бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хукуқига эга.

12.2. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмагандা;

қонун хужжатларига мувофик бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хукуқига эга.

12.3. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг кўшма қарорига кўра тугалланмаган курилиш 15 кун муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

12.4. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

12.5. Шартнома бекор килинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

12.6. Шартноманинг бир томонлама бекор килинишига йўл кўйилмайди, конун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ходлар бундан мустасно.

13. ШАРТНОМАГА КЎШИМЧА ВА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ.

13.1. Ушбу шартномага ҳар кандай киритилган кўшимча ва ўзгартришлар ёзма равишда расмийлаштирилиб, ҳар иккала тараф имзолаган ходлардагина ҳаққини кучга эта бўлади.

13.2. Шартномани муддатидан оддин бекор килиш тарафларининг келишуви бўйича ёхуд Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фуқаролик кодекси ва конун хужжатларида назарда тутилган асослар бўйича, етказилган зарарларни коплаш билан амалга оширилиши мумкин.

13.3. Шартномани бекор килишга карор кыланган тараф бошқа тарафга ёзма хабарнома юборали.

14. МАЖБУРИЯТЛАРНИ АМАЛДА БЎЛИШ ШАРТИ ВА МУДДАТИ.

14.1. Шартнома тарафлар томонидан имзоланганидан сўнг Вилоят Газначилик Бошқармаси (бўлими)да белгиланган тартибда рўйхатдан ўтганидан кейин конуний кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал килиди.

14.2. Мазкур шартнома бир ҳиз юридик кучга эта бўлган 2 (Иккى) нуухала тузилди.

14.3. Мазкур шартномага кўйислагисар илова килинади:

- 1-илова - Бажариш жадвали;
- 2-илова - Молжалаштириш жадвали.

15. КЎШИМЧА ШАРТЛАР.

1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал килиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий харакатларни содир килимасликка келишиб оладилар.

2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга карши кўшимча шартларда белгиланган коррупциянииг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга ривоҳ этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

3. Ҳар бир тараф шартнома тузишган пайтда бевосита узи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабалар юзасидан конунга хилоф равишда пул, моддий кийматларни берилмагандигини, шартнома тузишни эказига норасмий пул ёки бошқа моддий кийматликлар олинишига йўз кўйилмагандигини, таълиф этилмагандигини, уларни беришга вайда килинмагандигини, шунингдек моддий ёки ҳар кандай турдаги имтиёз, устуналар олинмагандигини (келажакда бу турдаги даракатларни амалга ошириши мумкинлиги тақида таъсусорот келинмагандигини) кафолатдайди.

Тарафлар, улар томонидан шартнома даромадида жалб килинган шахсларининг (ёрдамчи етказиб берувчичи ташкюлотлар, агентлар ва тарафлар нахорати остиши бошқа шахсларининг) юкоридаги харакатларни содир этмаслиги юзасидан оқизона чоралар куради.

4. Тарафлар давлат хизматчилари, смесий партиялар, шунингдек ўзининг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан ҳар кандай нахт ва шаклда кўйидаги харакатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладан, учничи шахслар ордари) содир этилишига йўз кўймайди

а) нахорат килувчи органлардан инсонтия ва руҳсатномалар олиш, солик солиш, божхона расмийлаштирувиши амалга ошириши, судда иш куралиши, конунчилик жараёни ва бошқа соҳаларда конунга хилоф равишда тижорат ёки бошқа тусдаги устуналарни иза бўлиш ёки сайдеб колиш максадида юкоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишиниг таълиф этилиши, вайда килиниши, берилишига,

б) конунга хилоф равишда олинган даромадларнинг реаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк жинойи фаолиятдан олинган даромад эканлиги тарафларга маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириша йўли билан унинг келиб чиқишига ижонуний тус бериш, бундай пул маблаглари ёки бошқа

мол-мулкниг аса хусусиятини, маъбания, турган жойини, тасарруф этиши, кўчириш усудини, пул маблагларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган хажийи этаклих хукукларини ёки унинг кимга керашандигини яширишига, в) коррупцияя оид хукукбузардик содир килиш учун таъмагирлик килиш, ундаш, тазбир ўтказиш ёки таҳлид килиш. Ушбу холат бўйича бир тараф ижончи таърифи ҳамда ваколатни давлат органларини дарқол ҳабардор килиши шарт.

5. Тарафлар Махсулотлар, хизмат ва ишларни реализация юлиши ва ўтказишда, битимлар тузиш бўйича музокаралар олиб боришида, лицензия, руҳсатномалар ва бошқа руҳсат этиши хусусиятига эта бўлган хужжатларни олишида ёки уларнинг манфаатларини кўзлаб бошқа харакатларни амалга ошируви тарафларнинг назорати остида бўлгани ва улар номидан харакат киладиган шахсларга (шу жумладан, ёрдамчи етказиб берувчичилар, агентлар, савдо вакиллари, дистрибутерлар, хукукшунослар, хисобчилар, улар номидан харакат килувчи бошқа вакилларга) ишбатан кўйидаги харакатларни амалга ошириши шарт.

- коррупциявий харакатларга пул кўйиб бўлмаслиги ва коррупциявий харакатларга ишбатан муросасиз

- муносабатда бўлиши шартлиги хакида кўрсатмалар ва тушунтиришлар бериш;
- улардан коррупциявий харакатларни амалга ошириш учун воситачи сифатида фойдаланмаслик;
 - уларни факат тарафнинг оддий кундалик фаолияти жараёнидаги ишлаб чикариш зарурати доирасидан келиб чикиб ишга жалб килиш;
 - уларга конунчилик доирасида амалга оширган хизматлари учун белгиланган хак миқдоридан асосиз равишда ортиқча тўловларни амалга оширмаслик.

6. Тарафлар уларнинг

7. назорати остида бўлган ва улар номидан харакат киладиган шахслар томонидан коррупцияга карши кўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги холатлари хакида хабар берилганлиги учун уларга тазик ўтказилмаслигини кафолатлайдилар

8. Агар бир тарафга бошка тарафнинг коррупцияга карши кўшимча шартларнинг 4 ва 5-бандларида белгиланган мажбуриятларни бузилнишига йул кўйганлиги маълум бўлиб колса, иккинчи тарафни бу хакда зудлик билан хабардор килиши ва ушбу тарафдан окилона муддат ичизи тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор килишини талаб килиши шарт.

Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан коидабузарликларни бартараф килиш бўйича окилона муддат ичизи тегишли чоралар кўрилмаган ёки кўриб чикиш натижалари хакида хабардор килмаган тақдирда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор килишга хамда зарарни тўлик коплаб беришни талаб килишга хакли.

15. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА ТЎЛОВ РЕКВИЗИТЛАРИ.

“БУЮРТМАЧИ”

Дангара туман Ободонлаштириш бошкармаси
Манзил Дангара тумани Чинобод кишлоғи
Тел./факс: +99890-362 92 66
ШФХ: 901722860302367065200110005
ИИН: 206 940 997
Дангара туман Газначилик булинмаси
ЯФХ: 23 402 000 300 100 001010
Банк номи Марказий банкнинг Тошкент шаҳар
Бош бошкармаси Хисоб-китоб-касса маркази (ХККМ)
МФО 00014 Газначилик бўлинмасининг
СТИР: 201 122919



М.Холмирзаев

“ПУДРАТЧИ”

Дангара туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси
Манзил Дангара шаҳарчаси Саноат кучаси
Тел./факс: 73-572-11-66
х/р 22 626 000 300 211 567 004
МФО 00545
ИИН: 200 166 175
Банк номи: Миллий банк Кўкон филиали
ОКОНХ 42110



З.Назиров



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI

FARG'ONA VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI
DANG'ARA TUMAN ADLIYA BO'LIMI
YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI

150500, Dang'ara tumani, Toshkent ko'chasi 150-uy
Tel: (093) 70 572 17 78, e-mail: dangara.t-yurmarkaz@adliy.uz

“31” may 2022 yil.

Dang'ara tumani Obodonlashtirish
boshqarmasiga

YURIDIK AXAMIYATGA EGA XUJJATLARNING QONUN XUJJATLARIGA
MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY
XULOSA.

1. Loyihaning turi:

PUDRAT SHARTNOMASI № 2-sonli 31.05.2022 yil.

2. Loyihaning nomi:

“Dang'ara tumani yo'llardan foydalanish unitar korxonasi” tomonidan Dang'ara tumani obodonlashtirish boshqarmasining buyurtmasi asosiad Dang'ara tumani Yashik MFY Birdamlik ko'chasini ichki vo'llarini 570.000.000 (besh yuz yetmish million) so'mlik joriy ta'mirlash ishlarini amalga oshirish to'g'risida.


3. Loyihani taqdim etgan davlat organi yoki tashkilotining nomi:

Dang'ara tumani Obodonlashtirish boshqarmasi.

4. Loyiha yuzasidan berilgan huquqiy xulosa:

Mazkur shartnomma O'zbekiston Respublikasining amaldagi qonunlari hamda xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risidagi qonuni asosida o'rGANildi. Shartnomma loyihasi amaldagi qonun xujjatlari talablariga javob beradi hamda qonunga mos holda tuzilgan. Tomonlarning shartnomada ko'rsatilgan javobgarligi va o'zaro nizolarni hal qilish O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi hamda O'zbekiston Respublikasi xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risidagi qonunlari asosida tuzilganligi haqida xulosa qilaman.

Dang'ara tumani Yuridik xizmat ko'rsatish
markazi bosh yuriskonsulti



B.Ergashev